ШАЙХ ХОВАНД ТАҲУР ТАРИХИ, ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ МАҚБАРАСИ ЭПИГРАФИКАСИ ТАҲЛИЛИ

ИСТОРИЯ, НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ ШЕЙХА ХАВАНДА ТАХУРА И АНАЛИЗ ЭПИГРАФИКИ ЕГО МАВЗОЛЕЯ

THE HISTORY AND SCIENTIFIC LEGACY OF SHEIKH KHAVAND TAKHUR AND AN ANALYSIS OF THE EPIGRAPHY OF HIS MAUSOLEUM

MUKHAMEDOV Nematullo,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, Professor of the Department of History and Source Studies Islam IRCICA, Doctor of Historical Sciences.
nematulloh@mail.ru
A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2025/2/1

Аннотация: *Амир Темур ва темурийлар даврида Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ривожланишида Шайх Зайниддин, Занги ота, Шайх Умар Валий Богистоний, Шайх Хованди Таҳур, Хожа Убайдулло Аҳрор Валий каби 10 дан ортиқ суфийлар минтақа ислом маданиятида катта ўрин эгаллаган.*

Ушбу мақолада Шайх Умар Богистоний (XIII-XIV аср) ва унинг ўғли Шайх Хаванд Таҳур (XIV аср)лар ҳаёти ва фаолияти ўрта аср манбалари асосида тадқиқ этилган. Шайх Умар Богистоний ва Шайх Хаванд Таҳур камтарона ҳаёт кечириши билан одамларга ибрат бўлиб, улар ўртасида меҳр-оқибат, ҳалоллик, саховат, яхшилик каби қадриятларни тарғиб қилгани таҳлил этилган.

Шайх Хованд Таҳур илмий фаолияти ва асарлари ҳақида маълумотлар берилган. У «Рисола дар масойили шариат ва тариқат» («Шариат ва тариқат масалалари ҳақидаги рисола»), «Рисолаи даҳ шарт» («Ўнта шарт ҳақида рисола»), «Рисола дар аркони ислом» («Ислом арконлари ҳақида рисола»), «Рисола дар одоби тариқат» («Тариқат одоби ҳақида рисола») каби асарлар ёзган. Ушбу асарларда ислом арконлари, инсоннинг покланиши ва камолга етиши, шариат ва тариқатнинг ўзаро муносабатлари баён этилган.

Мақолада Шайх Хаванд Таҳур мақбараси ва унинг биносида битилган эпиграфик ёзувлар – Қуръон оятлари, ҳадислар тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: *Богистон, шайх, Умар Валий, Хаванд Таҳур, Шош, Тошканд, суфий, мулла, мусулмон, комил инсон, мақбара, Қуръон оятлари, ҳадислар, эпиграфик ёзувлар.*

Аннотация: *Во времена Амира Темура и Темуридов более десяти известных суфиев, таких как Шейх Зайниддин, Занги-ота, Шейх Умар Вали Богистани, Шейх Хаванд Тахур, Ходжа Убайдулла Ахрор Вали, сыграли значительную роль в социально-экономическом и культурно-просветительском развитии города Ташкента, а также в формировании исламской культуры региона.*

В данной статье на основе средневековых источников исследуются жизнь и деятельность Шейха Умара Богистани (XIII – XIV вв.) и его сына Шейха Хаванда Тахура (XIV в.). Показано, что они вели скромный образ жизни и служили примером для окружающих, пропагандируя такие нравственные ценности, как сострадание, честность, щедрость и доброта.

В статье также представлены сведения о научной деятельности Шейха Хаванда Тахура и его трудах: «Рисала дар масоили шариат ва тариқат» («Трактат о вопросах шариата и тариката»), «Рисалаи дах шарт» («Трактат о десяти условиях»), «Рисала дар аркони ислом» («Трактат о столпах ислама»), «Рисала дар одоби тариқат» («Трактат о нормах поведения в тарикате»). В этих произведениях раскрываются темы очищения души, достижения духовного совершенства, а также взаимосвязи между шариатом и тарикатом.

В статье подробно анализируются эпиграфические надписи мавзолея Шейха Хаванда Тахура, включающие коранические аяты и хадисы.

Ключевые слова: *Богистан, Шейх, Умар Вали, Хаванд Тахур, Шаш, Ташкент, суфий, мулла, мусульманин, совершенный человек, мавзолей, аяты Корана, хадисы, эпиграфические надписи.*

Annotation: *During the era of Amir Temur and the Timurids, more than ten prominent Sufi figures – including Sheikh Zayniddin, Zangi Ata, Sheikh Umar Wali Bagistani, Sheikh Khavand Takhur, and Khwaja Ubaydullo Ahrar Wali – played an important role in the socio-economic, cultural, and intellectual development of Tashkent, as well as in the shaping of Islamic culture in the region.*

This article explores the life and work of Sheikh Umar Bagistani (13th–14th centuries) and his son Sheikh Khavand Takhur (14th century), based on medieval sources. It highlights their modest lifestyle and their promotion of core values such as compassion, honesty, generosity, and virtue within society.

The article also provides information on the scholarly activity and books of Sheikh Khavand Takhur, who authored several treatises, including "Risala dar Masaili Shariat va Tariqat" ("Treatise on Issues of Sharia and Tariqa"), "Risalai Dah Shart" ("Treatise on Ten Conditions"), "Risala dar Arkani Islam" ("Treatise on the Pillars of Islam"), and "Risala dar Adobi Tariqat" ("Treatise on the Ethics of the Tariqa"). These texts discuss Islamic principles, spiritual purification, human development, and the relationship between Sharia and Sufi practice.

Special attention is given to the epigraphy of Sheikh Khavand Takhur's mausoleum, with analysis of inscriptions on the building, including verses from the Qur'an and hadiths.

Keywords: *Bagistan, sheikh, Umar Wali, Khavand Takhur, Shash, Tashkent, Sufi, mullah, Muslim, perfect*

human, mausoleum, Qur'anic verses, hadiths, epigraphic inscriptions.

КИРИШ

Тошкентда Шайх Хованд Таҳур, Занги ота, Хожа Аъламбардор, Юнусхон мақбаралари ҳамда Мўйи Муборак, Бароқхон, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари, шунингдек, Тилла Шайх, Намозгоҳ, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин номлари билан боғлиқ ислом маданиятининг кўплаб тарихий обидалари мавжуд.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳага бўлинган. Манбаларда қайд этилишича, шимолий даҳа – Қаффол Шоший, жанубийси – Зангиота, шарқийси – Шайхонтаҳур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари билан эътироф этилган. Бироқ шаҳар аҳли ўртасида эса улар Себзор, Бешёғоч, Шайхонтаҳур ва Кўкча деб юритилган.

Тошкентнинг энг катта даҳаларидан бири Шайх Хованд Таҳур (ҳозирда Тошкентдаги туманлардан бири Шайхонтаҳур дейилади) номи билан аталади ва унинг мақбараси муқаддас зиёратгоҳга айланган. Шайх Хованд Таҳур ёдгорлик мажмуаси XIV асрда яшаган мутасаввиф олим Шайх Хованд Таҳур номи билан боғлиқдир. Шайх Хованд Таҳур XIII аср охирида (тахминан 1280-1290 йиллар) ҳозирги Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Боғистон қишлоғида ўз даврининг тасаввуф илми пешволаридан бири саналган Шайх Умар Боғистоний хонадонида таваллуд топган. Онаси томонидан бобоси мавлоно Тожиддин Дарғамий ҳам кўзга кўринган дин пешволаридан эди.

УСЛУБЛАР

Тадқиқотни ёритиш жараёнида ва унинг методологик асоси ҳамда концепциясини ишлаб чиқишда замонавий тарихий тадқиқот усуллари асос қилиб олинди. Жумладан, тарихийлик, тадрижийлик, ҳаққонийлик, холислик ва илмийлик тамойиллари асосида ёндашилди. Турли манбалар, маълумотларни муомалага киритиш жараёнида улар ҳам қиёсий таҳлил этиш асосида умумлаштирилди.

НАТИЖАЛАР

Шайх Хованд Таҳур фаолияти ҳақида Маҳмуд Ҳасаний, А.Яҳёев, К.Қиличева, Ў.Султонов, А.Жўзжоний, З.Исломов, Д.Мақсудов, Н.Муҳамедов каби ўзбек тадқиқотчилари, Е.Бертельс, А.Семёнов, М. Массон ва бошқа рус шарқшунослари илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Боғистон қишлоғи "боғлар ўлкаси" деб аталиб, у Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Нанай ва Бурчмулла қишлоқлари оралиғида жойлашган. Бу ерда Боғистон Умар Валий мажмуаси ёки Мозори Шахмар бува зиёратгоҳи бўлиб, у Мозорсой ва Пском дарёлари кесишган жойда, қишлоқнинг ғарбий қисмида жойлашган (Артемьев В., Урманова А. 2012:89).

Шайх Хованд Таҳур тариқат илмининг илк сабоқларини ўз отаси Шайх Умар Боғистонийдан олган. Шайх Умар Боғистонийнинг насабномасига қараганда, ўн олти ота-бобо билан пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин чаҳорёрларнинг иккинчиси – Ҳазрат Умар ибн Хаттобга бориб туташади (Мухамедов Н. А., 2019:29-33).

Бу ҳақда Мавлоно Муҳаммад Қозининг "Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин" асарида ҳам таъкидланган: *"Бизнинг Ҳазрати Хожамиз (Хожа Аҳрор)нинг оналари Хожа Довуднинг қизлари бўлган. У Шайх Хованди Таҳурнинг ўғиллари бўлган. У зот эса Ҳазрати Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди. Улар эса ўн олти восита ила Абдуллоҳ ибн Умар разийаллоҳу анҳумага етишадилар. Хожа Довуднинг оналари эса ота тарафдан саййида (саййидзода) бўлган. Шайх Хованди Таҳурнинг оналари ҳам саййидлардан бўлган"* (Мавлоно Муҳаммад Қози, Қўлёзма № 6114: 41а).

Шайх Хованд Таҳурнинг дунёга келишлари ва исмлари ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Шундай ривоятлардан бирини XVII асрда яшаб ўтган олим Шайх ас-Сиддиқий (ваф. 1087/1676) «Ламаҳот мин нафаҳот ал-қудс» асарида шундай келтиради: *«Шайх Зайниддин Кўйиорифон Тошкандий айтганларки, фарзанд талаб бўлганлар бизнинг мозоримизни зиёрат қилиб, шу ерда Яратгандан фарзанд тиласа, албатта ниятига етгусидир»*.

Шунга биноан Шайх Умар Боғистоний (Mukhamedov N., Turambetov N., 2020:211-218) умр йўлдошлари билан Шайх Зайниддиннинг мозорларига зиёратга келиб, қабрлари олдида Аллоҳ таолодан фарзанд сўраганлар. Вақт-соати келиб Аллоҳ таолонинг иноят билан улар фарзандли бўлишади. Шайх Умар уни Шайх Зайниддин мозорларига олиб борадилар. У ерда кабутарлар чақалоқни кўриб «ат-таҳур, ат-таҳур» деб сайрай бошлашади. Шайх Умар буни туғилган ўғлига башорат деб билади ва чақалоққа "Таҳур" дея исм қўяди.

Мазкур тарихий воқеани рус шарқшуноси А.Семенов 1914 ва 1916 йиллари ёзган мақолаларида ҳам таъкидлаган. Шайх Умар чақалоқни Зайниддин мақбарасига олиб келганда, бу ерда юрган бир тўда каптарлар ҳавога кўтарилади ва уларнинг учиши, овозидан "таҳур" сўзи қулоққа чалинади. Шайх Умар ўғлига қўйган Хованд исми ёнига Таҳурни ҳам қўшади. Хованд сўзи "худованд" сўзининг қисқартмаси бўлиб, художўй деган маънони англатади. *Шайх Хованд Таҳур исмидаги калималар: «Хованд— «художўй, ходим»; Таҳур — «ниҳоятда пок» дегани бўлиб, «ниҳоятда покиза ходим» ёки «ниҳоятда покиза ҳазрат» маъноларини ҳам англатади.*

Ўрта аср тарихчиси Фахриддин Али Сафий Шайх Хованд Таҳур ҳақида *"...ўз отасининг тарбияти ва иноятининг сояси остида валоят аҳлининг олий даражасига етишди..."* (Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева, 2004:11) деб ёзган. *"Рашаҳот" асарида ёзилишича, Шайх Умар Валий Боғистоний камтарона ҳаёт кечириши билан одамларга ибрат бўлган. У деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари билан шуғулланган ва ўз касб-коридан ҳалол тирикчилик қилган.* У катта мулла ёки катта сўфий бўлишни ўзига шараф деб билмаган ва шуҳрат орқасидан қувмаган: оддий, бироқ ҳақиқий инсон бўлишга интилганки, биз буни ўғли Хованд Таҳурга қилган насиҳатидан кўрамиз.

Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот» китобида унинг ўз ўғли Хованд Таҳурга айтган қуйидаги сўзларини келтиради: *«Таҳур, мулла бўлма, сўфи бўлма, у бўлма, бу бўлма, мусулмон бўл»* (Фахруддин Али Сафий, 2004:271). Шайх Умар Валий Боғистонийнинг ушбу сўзлари айниқса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. *Ушбу насиҳат ўлароқ Шайх Хованд Таҳур соҳиб каромат шайхлар орасида юксак мақомга эришган.*

Шайх Умар Боғистонийнинг бирор бир асар ёки китоб битганлари ҳақида маълумот йўқ. Лекин у зотнинг ҳикматли сўзлари ёзма ва оғзаки ҳолда сақланиб қолган.

Шайх Хованд Таҳур аввал отасидан шариат ва тариқат билимларини ўрганади, мадрасада ўқийди. Кейинроқ билимини чуқурлаштириш мақсадида Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлган Тенгиз Шайх олдига Туркистонга боради. Сўнг, Шайх Хованд Таҳур Бухорога йўл олади. У ерда ўша даврнинг машҳур олимлари билан мулоқотда бўлади ва Хожагон тариқати ҳақида билимларни чуқур эгаллайди. Бухородан Тошкентга қайтиб келиб, бу ерда отаси каби одамларга илму маърифат, дину диёнатни ўргатади. Отаси каби ҳалол меҳнат қилиб деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланади.

Ҳозирда Шайх Хованд Таҳур мақбараси мавжуд бўлган ҳудудда унинг ўзи бир қанча дарахтлар, набототлар эккани ва у ерларни кўкаламзорлаштиргани, шу билан қадим Тошкентнинг янада обод бўлишига ҳисса қўшгани ривоятларда келтирилади.

Шайх Хованд Таҳур камтарона турмуш тарзи билан инсонларга ибрат намунаси бўлиш билан бирга қатор асарлар ҳам яратган.

Шайх Хованд Таҳурнинг "Рисолаи Таҳурия" асарининг бугунги кунда ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фондида иккита нусхаси мавжуд. Улар № 3303 ҳамда № 12061 инвентар рақамлари остида сақланиб келинмокда.

№ 3303 рақамли қўлёзма жами 574 варақдан иборат жамланма шаклидаги нусхадир. Қўлёзмада жами 10 та асар жамланган бўлиб, 8 таси форсий ва 2 таси араб тилидаги асарлардир. Жамланма ҳижрий 1309-1310 (1891-1892 йй.) йилларда фабрика, рангли қоғозига, настаълиқ хатида, қора сиёҳ билан кўчирилган. Жамланмадаги № 3303, 3303/II, 3303/III, ҳамда 3303/IV рақамидаги асарлар Шайх Хованд Таҳурга тегишли "Рисолаи Таҳурия" асаридир.

1. № 330320Х12,5 см., "Рисолаи Таҳурия". Таҳур ибн Умар Боғистоний асари. Кўчирилган йили ва кўчирувчи хаттот исми берилмаган. Сатрлар сони 11 тани ташкил этади. Ушбу рисолага Маҳмуд Ҳасаний томонидан рисолада келтирилган мавзулар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб "Рисола дар масойили шариат ва тариқат" (Шариат ва тариқат масалалари ҳақида рисола) деб ном берилган.

2. №3303/ II. 20Х12,5 см., "Рисолаи Таҳурия". Таҳур ибн Умар Боғистоний асари. Кўчирилган йили ва кўчирувчи хаттот исми берилмаган. Қўлёзма 2 варақдан иборат бўлиб, форс тилида битилган. Сатрлар сони 11 тани ташкил этади. Ушбу рисолага Маҳмуд Ҳасаний томонидан рисолада келтирилган мавзулар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб "Рисолаи дах шарт" номи берилган.

3. № 3303/ III. 20Х13 см., "Рисолаи Таҳурия". Шайх Хованд Таҳур асари. Рисола настаълиқ ёзуви ва форс тилида битилган бўлиб 1309/1891 йилда Мулло Мансур томонидан кўчирилган. Сатрлар сони 11 тани ташкил этади. Рисолага Маҳмуд Ҳасаний тадқиқотлари натижасида "Рисола дар аркони ислом" деб номланган.

4. № 3303/IV. 20Х12,5 см., "Рисолаи Таҳурия". Шайх Хованд Таҳур асари. Рисола настаълиқ ёзуви ва форс тилида битилган бўлиб, 1309/1891

йилда кўчирилган. Бироқ кўчирувчи хаттот исми кўрсатилмаган. Сатрлар сони 11 тани ташкил этади. Асар қўлёзмада 185-233 бетларда жойлашган бўлиб, 49 варақни ташкил этади.

Асар тасаввуф, шариат ва тариқат масалаларига бағишланган. У ўзининг ҳар бир асарида инсонда парҳезкорликни оширишга хизмат қиладиган тавсиялар келтирилган ҳамда айрим нафл ибодат амалиётлари бўйича мухтасар хулосавий фикрлар билдирилган. Хоссатан шариат ва тариқат бобидаги ихтилофли масалаларга ечим бўла оладиган қарашларга гўзал хулосалар билан ўз фикрини баён эта олган. Жумладан "Шариат – деб ёзади у, - тавҳид, таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж ва жиҳод баёни, яна диний муомалалар, охират ҳисоблари, лиқо, ризо, салом ва калом йўлининг баёнидир. Пайғамбар эса бу йўлни кўрсатувчи ва тутиб турувчидир. Кенг йўл "шориъун" дейилади, демак, шариат кенг йўлдир ва ундан ҳар хил тариқ (йўллар) чиқади" (Шайх Хованд Таҳур, қўлёзма №3303/II : 73[б]). Тариқатни баён қила туриб, шундай ёзади, "Тариқат шундай йўлки, у шариатдан зоҳир бўлади, равшан ва катта йўл "шориъун" дейилса, қоронғу ва нозик йўл тариқ дейилади. Бас, тариқат шариатдан олинган йўлдир".

Шайх Хованд Таҳур келтиришича, кишининг ташқи томонига тааллуқли бўлган барча нарсаларни поклаш шариатдан ҳисобланади. Ботин (ички)ни тозалаш эса тариқатдандир[1].

Аллома ўз рисолаларининг деярли барчасида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтади ва унда шариат тариқатнинг боши ва тариқат шариатнинг боши эканлигини такрорлайди.

Тўпламдан ўрин олган № 3303/ II "Рисолаи Таҳурия"нинг ҳам бош мавзуси тариқат йўлидаги соликнинг амал қилиши лозим бўлган 10 та қоидалардан иборатдир. Бундан кўринадики, ушбу рисола ҳам тариқатга оиддир. Рисолага киритилган амаллар икки варақдан иборат бўлиб, форс тилида битилган. Муаллиф бу қоидалар қаторига соликни қазои қадарга рози бўлиши, шайх, валийларни дўст тутиши ва уларга эҳтиром кўрсатиши, халққа яхшилик қилиши, ҳокисорлик, ботин илми билан машғул бўлишлик, тўғрисўзлик ва пири комил изидан бориш, шу билан бир қаторда пир ҳам ўз муридининг аҳволидан хабардор бўлиши лозимлиги масалаларини киритади (Шайх Хованд Таҳур, қўлёзма №3303/II : 100[а] –102[б]). Пирнинг қўлини тутиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларини эса Шайх Хованд Таҳур қуйидаги байтлари орқали мустаҳкамлайди:

Дасти пир аз ғойибон кутоҳ нест,
Дасти у жуз қабзаи Аллоҳ нест.

Маъноси:

Пирнинг қўли ғойибдагилардан қисқа эмас,
Пирнинг қўли Аллоҳнинг панжасидан ўзга нарса эмас.

Рисоладан кўринадики, ундаги кўрсатмаларга амал қилган солик мукаммал одоб-ахлоққа эга бўлади. Шу билан бирга ушбу рисола тариқат йўлидаги муридга қўлланма вазифасини ўтайди.

№ 3303/III. "Рисолаи Таҳурия". Шайх Хованд Таҳурнинг йирик рисолаларидан бири. Рисола настаълиқ ёзуви ва форс тилида битилган бўлиб 1309/1891 йилда Мулло Мансур томонидан кўчирилган. Ушбу рисола ислом арконларига бағишланган бўлиб, унда инсон яратилган мавжудотлар ичида энг азизу мукаррами эканлиги мадҳ этилади. Муаллиф ислом арконлари таснифини қуйидаги машҳур ҳадис шарҳидан бошлайди: *"Ислом беш нарса асосига қурилди: ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ, намозни барпо қилиш, закотни адо этиш, рамазон ойи рўзасини тутиш, йўлига қуввати етса ҳажни адо этиш"*. Шунингдек, ўз билимларига таянган холда тавҳид, имон масалаларини тасаввуфий ва шаръий маъноларини тушунтиради. Бу масалалар қаторида муаллиф бузуқ оқимлар ва ақидада адашган гуруҳлар фаолияти ҳақида ҳам маълумот бериб, уларнинг ёт ғояларига раддиялар билан мурожаат қилади. Ўз ўрнида бундай адашган оқимларни Шайх Хованд Таҳур "маҳжубон" (тўсилганлар) дея, таъкидлайди. Улар қаторида мушаббаҳа, каромийлар, нажжорийлар, муғон (оташпарастлар), афлокийлар ва таббоъиёнлар ҳамда уларнинг ақидавий қарашларини тилга олиб ўтади.

Рисоланинг қизиқарли мавзуларидан бири жоҳил ва нодон инсон мавзусидир. Ушбу мавзу орқали олим ўз замонасининг шухратпараст, жоҳил суфийларини беаёв танқид остига олади. Шайх Хованд Таҳур фикрича, бундай суфийлар тасаввуфга ва суфийликка нуқсон етказиб, олимлар ва шариат аҳллари назарида ёмон таассурот қолдирадилар ва дин аҳиллари билан суфийлар орасида фитна пайдо қиладилар (Шайх Хованд Таҳур, қўлёзма №3303/ II : 118[б]).

[1] Бу борада муаллиф либос, баданни намозга мослаш шариатдан, дилни қорайтирадиган нарсалардан қочиш тариқатдан, намозда юзни қиблага буриш шариатдан, дилни ҳамиша Аллоҳга тўғирлаш тариқатдандир, дея келтириб ўтади.

Ушбу рисолада Шайх Хованд Таҳур ғулуга кетган суфийлар қаторида мутасаввиф ким, ҳақиқий суфий қандай одам бўлиши керак, валоят (каромат) нима эканлигига ҳам тўхталиб ўтади.

Кейинги ўринда муаллиф рисолада ўз эътиборини фиққий масалалар баёнига қаратади. Унда масжид ва у билан боғлиқ масалалар, масжидда намоз ўқишнинг фазилати, таҳорат ва унинг хосиятлари, баъзи афзал ойларда ўқиладиган нафл намозлар, садақа бермоқ, рўзани адо қилишнинг фиққий қоидалари, сафар одоблари масалаларига муаллиф кенг жой ажратади.

Рисолада имон, тавҳид ва яна юқорида зикри келтирилаган бир қанча масалаларни ёритишда муаллиф Яҳё ибн Муъоз, Юсуф ал-Ҳусайний, ал-Воситий, Жунайди Бағдодий, Абдуллоҳ ал-Хафиф, Довуд Тоий, Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий, Абул Монсур Мотуридий, Абу Ҳанифа, Абу Ҳурайра, Муҳаммад ал-Ғаззолий, Қаффол Шоший ва бошқа етук мутафаккирларнинг фикр, мулоҳаза ва шеърларидан кенг фойдаланган.

№ 3303/IV рақамли қўлёзма ҳам ЎзРФАШИ картотекасида “Рисолаи Таҳурия” деб номланган, аммо, М.Ҳасанийнинг олиб борган тадқиқотлари натижасида бу қўлёзмани “Рисола дар одоби тариқат” (Тариқат одоблари ҳақида рисола) деб номлаган (Ҳасаний М, Қиличева К., 2004:53). Рисола бошланган саҳифа ҳошиясида “Мухтасар дар фавойид шариат ва тариқат” деб қалам билан ёзиб қўйилган (Шайх Хованд Таҳур, қўлёзма №3303/IV : 183[a]).

Шайх Хованд Таҳур ушбу рисолада бошқа рисолаларидан фарқли равишда ўз исмини қуйидаги тартибда кўрсатиб ўтади: “Йақулу-л-ъабд ул-фақир Таҳур ибн Умар ал-Боғистоний” (фақир банда Таҳур ибн Умар ал-Боғистоний айтади)” (Шайх Хованд Таҳур, қўлёзма №3303/IV : 183[a]).

Ушбу рисолада тариқат масалалари бўйича, тасаввуфнинг муҳим масала ва тариқат йўлига кирувчининг одоб-ахлоқ масалалари ёритилган бўлиб, “Тариқат одоби”да сулук йўлига кирган ҳар бир муриднинг қалб поклиги, нафс тарбияси, зикр вазифалари, шайхи билан муносабати ва ҳоказо мавзулар мухтасар ва асосли баён этилган. Рисоланинг тариқат одоблари қисмида муаллиф инсоннинг мулку борлиққа бўлган муносабати, махлуқот орасида тутган юксак ўрни, ҳар бир инсоннинг коинотдаги зарурий ашёлардан истифода этиши ва унумли фойдаланиш даражалари ҳамда йўлларини кўрсатиб беради.

«Рисола дар масойили шариат ва тариқат» («Шариат ва тариқат масалалари ҳақидаги рисола»), «Рисолаи даҳ шарт» («Ўнта шарт ҳақида рисола»), *«Рисола дар аркони ислом»* («Ислом арконлари ҳақида рисола»), *«Рисола дар одоби тариқат»* («Тариқат одоби ҳақида рисола») каби асарлар унинг қаламига мансуб нодир манбалар ҳисобланади. Уларда ислом арконлари, инсоннинг покланиши ва камолга етиши, шариат ва тариқатнинг ўзаро муносабатлари баён этилган.

МУНОЗАРА

Шайх Хованд Таҳур ҳақидаги маълумотлар бир неча манбаларда учрайди. Улардан XV ва XVII аср бошларида битилган Сайид Абдулаввалнинг *«Масмуот»* («Эшитилганлар»), Муҳаммад Қозининг *«Силсилат ул-орифин»* («Орифлар силсиласи»), Али Сафийнинг *«Рашаҳот айнил-ҳаёт»* («Ҳаёт чашмасининг қатралари»), Шайх Сиддиқийнинг *«Ламаҳот мин нафаҳотил-қудс»* («Табаррук шабадалардан лаҳзалар»). Булардан ташқари XIX асрда номаълум муаллифнинг икки бетдан иборат рисоласи ҳамда Муҳаммаджон Ўразаевнинг «Ҳазрати Шайх Хованд Таҳур» номли бир бетли, ўзбек тилидаги маълумотлари ҳам мавжуд. 1915 йилда эса, А.А.Семенов «Тошкентлик Шайх Хованд Таҳур ва унга нисбат бериладиган кулоҳ» номли мақолани ҳам нашр эттирган.

XX асрнинг ўрталарида академик М.Е.Массон «Шайх Хованд Таҳур» ёдгорлик мажмуасида тадқиқотлар олиб борган ва ўзининг китобида Шайх Хованд Таҳур ва шу ном билан аталувчи ёдгорлик мажмуаси ҳақида маълумотлар берган. Ўзбек архитектори Абдужаббор Яҳёев ҳам мажмуадаги ёдгорлик биноларини ўрганиб мақолалар ёзган.

XIX асрда Шайхонтаҳур Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасидан бири бўлган Шайхонтаҳур жанубдан Бешёғоч, Ғарбдан Кўкча, шимолдан Себзор билан чегараланган. Бу тўртала даҳа ҳам мингбошилар ёрдамида бошқарилган. XIX аср ўрталарида Шайхонтаҳурда учта дарвоза (Қўймас, Қўқон, Қашғар) 48 та маҳалла, 70 та масжид, 3 та мадраса бўлганлиги энциклопедик китобларда айтилган (Тошкент: энциклопедия, 1984:398).

Шайх Хованд Таҳур мақбараси атрофининг ободонлашиб, кенгайиши бевосита Хожа Аҳрор фаолияти йилларига тўғри келади. Муаррих Муҳаммад Солиҳхўжанинг ёзишича, Шайх Хованд Таҳур мақбарасининг шимол тарафидан суви жуда мазали ариқ оқиб ўтган. Ариқ бўйидаги бир туп чинор одамлар дам оладиган жой бўлиб, айрим беморлар шу чинор остига келиб, ният қилган ҳолда ариқдан сув ичганлар. Шайх Хованди Таҳур қабри атрофи катта қабристон бўлиб, мақбара гумбазининг ғарб

томонида, яъни қабристоннинг ўртасида бир неча хоналар ва ичида гумбаздан иборат пишиқ ғиштдан қурилган чиллахона бўлган. Мазкур гумбазни Шайх Хованди Таҳурнинг набираси Хожа Аҳрор бино қилдириб, унинг ўртасига бир тош лавҳ ўрнатган. Ўша пайтларда Шайх Хованди Таҳур мақбарасидан то қабристонгача икки томони сарв дарахтли хиёбон бўлган (Султонов Ў., 2007174-175).

Бу ердаги масжиднинг Хожа Аҳрор тарафидан икки бор таъмирлангани хусусида «Тарихи жадидайи Тошканд» асарида батафсил ёзилган. Жумладан, муаллиф шаҳардаги Эшонқули додхоҳ мадрасаси қурилиши ҳақида тўхталганда шундай ёзади: “Сигир йилида (1256/1839-1840 йил) Эшонқули додхоҳ *(Эшонқули Додхоҳ – Тошкент ҳокими Лашкар беклербегининг тўнғич ўғли. Отаси Тошкентда ҳоким бўлиб турган йиллари Туркистонда ҳокимлик қилган. Тошкент шаҳрида Юнусхон мозори яқинида ўз ҳисобидан мадраса қурдирган)* ушбу [Шайхонтаҳур] даҳасида бир мадраса бино қилдики, унинг жойлашган ўрни олдин бир таноб шаръий келадиган ҳовуз бўлиб, Хожа Аҳрор валий унинг тўрт томонини жомеъ масжид ва ийдгоҳ килган эди. Лекин [масжиднинг асл] иморати Шайх Хованд Таҳур асрида [бино бўлган] эди. Улардан сўнг Хожа Аҳрор икки марта таъмирлаган. Ҳовузнинг ғарб томони бутунлай хонақоҳ ва унинг олди айвон эди. Ҳовузнинг қолган уч томони эса бутунлай айвон бўлиб, устунлари ва тўсинлари шамшод дарахтидан, устунлари остига эса Ҳазрат Нурота тоғларидан келтирилган мармартошлар қўйилган эди. Юнусхон подшоҳ [мақбараси] гумбази қулаган зилзилада [1245/1829-1830 йил] жомеъ масжид ва [унинг] тўрт томонидаги иморатлар ҳам вайрон бўлган эди (Султонов Ў., 2010:38).

Шайх Хованд Таҳур мақбараси икки хонадан иборат. Биринчи хона (хилхона)да Шайх Хованд Таҳурнинг қабри жойлашган. Бу қабр усти шўролар инқилобига қадар қабрпўшлар билан ёпиб қўйилар эди. Қабрнинг олд томонида сарв дарахти бўлиб, ҳозирги кунда у қуриб қолган. Хожа Аҳрор Валий томонидан қурдирилган мақбара ёмон ҳолга келиб, бузилиб кетгач, XVI асрда олдинги пойдевор устига қайта мақбара қурилади.

МАҚБАРАДАГИ ЭПИГРАФИК ЁЗУВЛАР

Шайх Хованд Таҳур 756 ҳижрий йил (1355 й.) вафот этгандан сўнг у киши дафн этилган Шаҳристон ташқарисидаги ер мурид ва шогирдлари томонидан ободонлаштирилган ва қабристонга айлантирилган. Қабр устига XV асрда она авлодидан қариндош бўлмиш Хожа Аҳрор Вали тарафидан мақбара барпо этилган.

Шу мақбаранинг атрофида яна иккита мақбаралар қурилган: ғарб тарафда Юнусхон мақбараси – Тошкент ҳокими, Бобурнинг она тарафдан бобосига бағишланган, XVI асрда қурилган ва шимолий тарафда жойлашган яна бир мақбара Қалдирғочбий номи билан машҳур. Археологик қазилмалар вақтида топилган ноёб қурилиш ашёларига ва бинонинг меъморий геометрик ечимига қараб, ёдгорлик XIV асрда қурилган деб тахмин қилиш мумкин.


Шайх Хованд Тоҳур мақбараси пештоқидаги ёзув

Мақбаранинг бош пештоқига кўк фонга оқ рангли сулс хатида Қуръони каримдаги “Иброҳим” сурасининг 27-ояти битилган. Тепасида сариқ рангли куфий хатида: قال الله تبارك و تعالى في كتابه الكريم - “Аллоҳ таборак ва таоло ўзининг улуғ Китобида айтди”, деб ёзилган. Хаттот – Ҳабибуллоҳ Солиҳ (Абдухаликов Ф., Мухамедов Н., Раҳимов К., 2016:297).

Эпиграфик матн:

يُثَبِّتُ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ بِٱلْقَوْلِ ٱلثَّابِتِ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَفِى ٱلْـَٔاخِرَةِ

“Аллоҳ имон келтирганларни дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам устувор Сўз (имон калимаси) билан собитқадам қилур”.

Мақбара пештоқининг ўнг томонидаги кўк фонга оқ рангли сулс хатида Қуръони каримдаги “Бақара” сурасининг 269-оятидан парча битилган. Тепасида сариқ рангли куфий хатида ҳадислар бошланадиган формула битилган: قال رسول الله صلوات الله عليه - “Аллоҳнинг расули (унга Аллоҳнинг салавоти бўлсин) деди”, деб ёзилган. Албатта, бу – хато. Зеро, оятда гап Аллоҳ номидан келмоқда. Хаттот – Ҳабибуллоҳ Солиҳ (Абдухаликов Ф., Мухамедов Н., Раҳимов К., 2016:298).



وَمَن يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا

Кимга ҳикмат (пайғамбарлик ёки Қуръон илми) берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди.

Мақбара пештоқининг чап томонида кўк фонга оқ рангли сулс хатида ҳадис битилган. Тепасида сариқ рангли куфий хатида: صلى الله عليه و سلم - “Унга Аллоҳнинг салавоти ва саломи бўлсин”, деб ёзилган. Хаттот – Ҳабибуллоҳ Солиҳ (Абдухаликов Ф., Мухамедов Н., Раҳимов К., 2016:298).



فزوروا القبور فانها تذكركم الآخرة

Қабрларни зиёрат қилинглар! Чунки у сизга охиратни эслатади.

Қабр тошининг узунчоқ икки ён томонига сулс хатида Қуръони каримдаги “Юнус” сурасининг 62-ояти битилган (Абдухаликов Ф., Мухамедов Н., Раҳимов К., 2016:301).



أَلَآ إِنَّ أَوْلِيَآءَ ٱللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ

Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валийлари(дўстлари)га хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар.

Қабр тошининг кўндаланг томонида марҳумнинг исми, туғилган ва вафот санаси сулс хатида ёзилган. Юқори қисмининг икки ён томонида эса

البقاء لله، الملك لله – “Боқийлик – Аллоҳга хос”, “Мулк – Аллоҳники” калималари ёзилган.



شيخ خواند طهور ١٣٥٥ ـ١٢٧٩

Шайх Хованд Таҳур (1279–1355)

Иккинчи хона (хилхона)да ўзларини Шайх Хованд Таҳур авлодидан ҳисоблаган XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент ҳокимлари бўлган Юнусхўжа ва унинг ўғли Султонхўжаларнинг қабрлари мавжуд.

1910-1912 йилларда мақбара наманганлик Ҳожимат эшон маблағи эвазига қайта таъмирланган, гумбази темир билан қопланган.

Мазкур мақбара масжид, мадраса, чиллахона, қабристондан иборат бўлган ва зилзилалар

натижасида бузилиб кетган ёдгорлик мажмуасининг бир қисми ҳисобланади. *1996 ва 2009 йилда мақбара қайта таъмирланган.*

ХУЛОСА

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида жойлашган Шайх Хованд Таҳур мақбараси муқаддас зиёратгоҳга айланган. Ушбу ёдгорлик мажмуаси асрлар давомида Марказий Осиёдан ташриф буюрувчи зиёратчилар билан гавжумдир. Зеро, ушбу минтақа аҳолиси доимий равишда зиёрат учун борадиган муқаддас қадамжолар, руҳий покланиш ҳамда маънавий юксалиш масканлари ҳисобланади.

Ўз навбатида зиёратгоҳларга бориш, уларни эъзозлаш диний қадриятлардан бири бўлиб, аҳолини ахлоқий ва маънавий фазилатлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилади. Шунинг учун ҳам зиёратгоҳлар халқимиз томонидан ҳамиша қадрлаб келинади.

Бугунги кунда Шайхонтаҳур мажмуаси ҳудудида Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси жойлашган. Шайх Хованд Таҳур ёдгорлик мажмуаси ва бу ердаги осори атиқалар халқимиз тарихи, руҳий оламининг бойлиги, ниҳоят, минтақа ислом маданиятида ўзига хос ўрин эгаллашини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бертельс Е. (1965). Суфизм и суфийская литература. Москва : Наука.
2. Исломов З., Максудов Д. (2015). Шайх Хованд Таҳур ёдгорлик мажмуаси. Т. : “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси.
3. Мавлоно Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин / ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. Қўлёзма № 6114. -41а саҳифа.
4. Массон М. Е. (1954). Прошлое Ташкента // Известия АН УзССР. № 2. С. 105 – 132.
5. Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. (2004). Шайх Хованди Таҳур. Тошкент. Б. 11.
6. Мухамедов Н. А. (2014). Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosphera.com/ files/ conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
7. Мухамедов, Н. (2015). Вопросы научного наследия Махмуда Замахшари. Восточный факел, 1(1), 3 – 5. https://inlibrary.uz/index.php/eastern-torch/article/view/9585
8. Мухамедов Н. А. (2019). THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH HOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. -P.29-33. Available at: https://uzjournals. edu.uz/cgi/viewcontent. cgi?article=1026&context=iiau.
9. Mukhamedov N., Turambetov N. (2020). THE ROLE OF THE BAGHISTANY FAMILY IN THE ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), Vol 9, Issue 11, 211-218 https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:ajmr&volume=9&issue=11&article=034.
10. Муҳаммадкаримов А. (2009). Тошкентнома. Тошкент : Янги аср авлоди.
11. Муҳаммадкаримов А., Обидов А., Искандаров А. (2016). Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. Тошкент : Navro’z.
12. Семёнов А. Ташкентский шейх Хавенд-Тахур («Шейх-Антаур») и приписываемый ему «кулях» // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского Кружка любителей арх 2, 101-103 e-reading. club.
13. Султонов Ў. (2007). Муҳаммад Солиҳхўжа ва унинг “Тарихи жадидайи Тошканд” асари . Тошкент : Ўзбекистон. Б. 174 – 175.
14. Султонов Ў. (2010). Тошкент масжидлари тарихи. Т. : Янги аср авлоди.
15. (1984). Тошкент // Энциклопедия. Т.
16. (2012). Тошкент атрофлари бўйлаб – По окрестностям Ташкента – Round outskirts of town Tashkent / Составители: В. Артемьев, А. Урманова при участии Н. Нижевской, В. Газиева. Тошкент : Ташкентбошпланлити. Б. 89.
17. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. (2016). Тошкент шаҳри / Ф. Абдухаликов, Э. Ртвеладзе, А. Ҳакимов, Б. Абдуҳалимов, Б. Бобожонов, А. Мансуров, А. Маннонов, Н. Мухамедов, А. Раҳимов, К. Раҳимов, Ш. Воҳидов (ўзбек, рус ва инглиз тилларида). Tashkent : Uzbekistan Today.
18. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. (2017). Тошкент вилояти (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) / Абдухаликов Ф., Мухамедов Н., Абдуллаев А. Т. : Uzbekistan Today. 352 б.
19. Шайх Хованд Таҳур. Рисолаи Таҳурия. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси. № 3303/II, 3303/III, 3303/IV.
20. Фахруддин Али Сафий. (2004). Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва Б. Умрзоқ. Тошкент : Абу Али ибн Сино. Б. 271.

REFERENCES

1. Bertels Ye. (1965). Sufizm i sufiyskaya literatura. Moskva : Nauka.
2. Islomov Z., Maqsudov D. (2015). Shayx Xovand Tahur yodgorlik majmuasi. T. : “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi.

3. Mavlono Muhammad Qozi. “Silsilat ul-orifin va tazkirat us-siddiqin”. O‘zR FA Sharqshunoslik instituti Qo‘lyozmalar fondi. Qo‘lyozma № 6114. 41a sahifa.
4. Masson M.Ye. (1954). Proshloye Tashkenta // Izvestiya AN UzSSR. № 2. S. 105 – 132.
5. Mahmud Hasaniy, Karomat Qilicheva. (2004). Shayx Xovandi Tahur. Toshkent. B. 11.
6. Muxamedov N.A. (2014). Idei tolerantnosti i gumanizma v deyatelnosti uchyonyx sufiyev oazisa Tashkent. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http:// sociosphera.com/ files/conference/2014/k-05_13_14. pdf#page=54-57 (in Russ).
7. Muxamedov, N. (2015). Voprosy nauchnogo naslediya Maxmuda Zamaxshari. Vostochniy fakel, 1(1), 3-5. https://inlibrary.uz/index.php/eastern-torch/article/view/9585
8. Muxamedov N. A. (2019). THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH HOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. -P.29-33. Available at: https://uzjournals. edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=iiau.
9. Mukhamedov N., Turambetov N. (2020). THE ROLE OF THE BAGHISTANY FAMILY IN THE ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). Vol 9, Issue 11, 211-218 https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:ajmr&volume=9&issue=11&article=034.
10. Muhammadkarimov A. (2009). Toshkentnoma. Toshkent : Yangi asr avlodi.
11. Muhammadkarimov A., Obidov A., Iskandarov A. (2016). Toshkentning tabarruk ziyoratgohlari. Toshkent : Navro’z.
12. Semyonov A. Tashkentskiy sheyx Xavend-Taxur («Sheyx-Antaur») i pripisyvayemiy yemu «kulyax» // Protokoly zasedaniy i soobschyeniya chlenov Turkestanskogo Krujka lyubiteley arx 2, 101-103 e-reading.club.
13. Sultonov O‘. (2007). Muhammad Solihxo‘ja va uning “Tarixi jadidayi Toshkand” asari. Toshkent : O‘zbekiston. B. 174 – 175.
14. Sultonov O‘. (2010). Toshkent masjidlari tarixi. T. : Yangi asr avlodi.
15. (1984). Toshkent // Ensiklopediya. T.
16. (2012). Toshkent atroflari bo‘ylab – Po okrestnostyam Tashkenta – Round outskirts of town Tashkent / Sostaviteli: V. Artemyev, A. Urmanova pri uchastii N. Nijevskoy, V. Gaziyeva. Toshkent : Tashkentboshplanliti. B. 89.
17. O‘zbekiston obidalaridagi bitiklar. (2016). Toshkent shahri / F .Abduxalikov, E. Rtveladze, A. Hakimov, B. Abduhalimov, B. Bobojonov, A. Mansurov, A. Mannonov, N. Muxamedov, A. Rahimov, K. Rahimov, Sh. Vohidov (o‘zbek, rus va ingliz tillarida). Tashkent : Uzbekistan Today.
18. O‘zbekiston obidalaridagi bitiklar. (2017). Toshkent viloyati (o‘zbek, rus va ingliz tillarida) / Abduxalikov F., Muxamedov N., Abdullayev A. T. : Uzbekistan Today. 352 b.
19. Shayx Xovand Tohur. Risolai Tohuriya. O‘zR FASHI qo‘lyozmasi. № 3303/II, 3303/III, 3303/IV.
20. Faxruddin Ali Safiy. (2004). Rashahotu aynil-hayot (Obi hayot tomchilari) / Nashrga tayyorlovchilar M. Hasaniy va B. Umrzoq. Toshkent : Abu Ali ibn Sino. B. 271.